АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ УСТУВОР РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

У.И.МАРАИМОВА

В статье рассматриваются перспективы приоритетного развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Андижанском вилояте.

The prospects of priority development of small business and private business in Andijan province are considered in this article.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантириш, уни ҳар томонла қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳага давлатнинг аралашувини чеклаш борасида талайгина ишлар амалга оширилди, мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини фаолиятининг хуқуқий асослари шакллантирилди. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётидаги етакчи кучга айланиб, бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, иш билан бандлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилига айланиб бормокда.

Бугунги кунда кичик бизнесни нафақат сон жиҳатидан кўпайтириш, балки уни сифат жиҳатидан ҳам ривожлантириш, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Президентимиз И.Каримов бу борада қатъий мақсадни белгилаб берди, яъни: "... кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улушини 2010 йилга бориб 50-52 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғини 49 фоизга етказиш учун бугун бизда барча асосларимиз бор" [1].

Сўнгги йилларда республикамизда кичик бизнесни ривожлантириш, уни ялпи ички маҳсулот тарки-

1-жадвал

2007-2008 йилларда Фарғона водийси вилоятларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари [3]

Кўрсаткичлар	Республика бўйича		Андижон Вилояти		Наманган Вилояти		Фарғона вилояти	
	2007	2008	2007	2008	2007	2008	2007	2008
ЯИМ	45,5	48,2	40.2	40.3	60,6	62.9	41.1	41.8
Саноат	11,4	12,4	3.6	3.4	16.8	18.2	5.1	6.6
Қишлоқ хўжалиги	97,3	97,9	99.2	99.3	99.0	99.1	97.1	97.4
Қурилиш	49,2	55,4	78.1	89.0	62.7	71.7	61.0	68.8
Асосий капиталга киритилган Инвестициялар	18,8	21,6	28.8	27.3	38.1	35.4	22.0	31.5
Пуллик хизмат	47,9	46,7	59.0	53.2	52.3	64	60.4	57.7
Савдо	45,5	45,8	41.9	44.6	46.8	48.5	43.7	44.2
Экспорт	12,2	10,5	10.3	1.8	16.0	15.6	13.2	10.5
Импорт	34,1	34,8	5.5	7.5	64.4	51.7	13.0	28.5

бидаги улушини ошириш борасида изчил давлат сиёсатини олиб борилиши натижасида муайян ижобий ютуқлар қўлга киритилди. Кичик бизнесни ривожлантиришга берилган эътибор, ушбу соҳа субъектлари учун яратилган қулайлик ва имтиёзлар ўз самарасини бермоқда.

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми 2008 йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бу саноат тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир. Шунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 70 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани айниқса эътиборлидир.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Андижон вилояти ЯҲМдаги улуши Фарғона водийсининг бошқа вилоятлари ва республика кўрсаткичига нисбатан паст даражани ташкил этмоқда (2008 йилда 40,3 фоиз). Асосий капиталга киритилган инвестициялар, пуллик хизматлар кўрсатиш ва савдо соҳасида ҳам нисбатан паст даражага эришиб, бу кўрсаткичлар 2008 йилда мос тарзда 27,3, 53,2 ва 44,6 фоизни ташкил этган.

Ҳар минг кишига тўғри келадиган фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони Хонобод (5,2), Андижон (11,6) ва Асака (8,5) шаҳарлари, Исбоскан (7,2), Шахрихон (9,2), Булоқбоши (10,9), Асака (10,9) ва Пахтаобод (12,5) туманларида вилоят ртача кўрсаткичидан пастлигича қолмоқда. Бу кўрсаткич бўйича Улуғнор (26,7) ва Хўжаобод (22,5) туманлари юқори даражага эришганликлари қайд этилган (2-жадвал).

Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг фаоллик даражаси кўрсаткичларини Фарғона водийсининг бошқа вилоятлари ва республика кўрсаткичи билан таққослаш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Андижон вилоятида 2008 йилда 2034 та кичик бизнес субъекти янгидан ташкил этилган бўлса, 1224 та субъект тугатилган. Водийнинг бошқа вилоятларида ҳам нисбатан шундай тенденция кузатилган (3-жадвал).

2-жадвал

Андижон вилоятида тадбиркорлик субъектларининг фаоллик даражаси кўрсаткичлари [3]

Ҳудудлар	Рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари		Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони		Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари улуши	
	2007г.	2008г.	2007г.	2008г.	2007г.	2008г.
Андижон вилояти	**31113**	**33182**	**28895**	**31209**	**92,9**	**94,1**
Олтинкўл	1749	1995	1603	1870	91,7	93,7
Андижон	2564	2807	2399	2650	93,6	94,4
Балиқчи	2297	2524	2151	2378	93,6	94,2
Бўз	968	974	928	898	95,9	92,2
Булоқбоши	1242	1321	1176	1210	94,7	91,6
Жалолқудуқ	1871	2030	1768	1954	94,5	96,3
Избоскан	1245	1396	1199	1350	96,3	96,7
Улуғнор	1225	1341	1158	1272	94,5	94,9
Қўрғонтепа	2354	2584	2225	2459	94,5	95,2
Асака	2203	2300	2010	2108	91,2	91,7
Марҳамат	2207	2361	2099	2247	95,1	95,2
Шахрихон	2190	2228	2073	2112	94,7	94,8
Пахтаобод	1724	1902	1679	1857	97,4	97,6
Хўжаобод	1787	2031	1713	1954	95,9	96,2
Андижон ш.	4853	4681	4122	4220	84,9	90,2
Асака ш.	461	508	427	480	92,6	94,5
Хонобод ш.	173	199	165	190	95,4	95,5

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Фарғона водийси вилоятларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг фаоллик даражаси кўрсаткичлари [3]

Кўрсаткичлар	Республика Бўйича		Андижон вилояти		Наманган вилояти		Фарғона вилояти	
	2007	2008	2007	2008	2007	2008	2007	2008
Рўйхатдн ўтган тадбиркорлик субъектлари (юридик шахслар, бирлик)	414968	434499	31113	33182	24751	25631	39282	42100
Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони (бирлик)	379034	406217	28895	31209	21604	23557	36288	39535
Фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари сони (бирлик)	35934	28282	2218	1973	3147	2074	2994	2565
Фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари улуши (фоиз)	8,7	6,5	7,1	5,9	12,7	8,1	7,6	6,1
Янги ташкил этилган Кб сони (бирлик)	39821	22036	4822	2034	2156	1305	5946	2241
Тугатилган Кб сони (бирлик)	10072	9798	1224	766	536	476	1618	483

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. 2008 йил мобайнида юртимизда 661 мингга яқин, жумладан, кичик бизнес соҳасида - 374 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида - қарийб 220 мингта, касаначилик ҳисобидан эса - 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди [4;24].

2008 йилда Андижон вилоятида жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 80,5 фоизи кичик бизнесда фаолият кўрсатган, 25 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган. Бу кўрсаткич Фарғона вилоятида мос тарзда 79,9 ва 33,5, Наманган вилоятида эса 76,2 ва 21,2 ни ташкил этган.

2009 йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда.

Шу сабабли Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

2009 йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди, молиявий, маиший ва бошқа хизматлар кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектларни оладиган дивидендларининг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми 5 йил муддатга солиқдан озод этилди. Шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайтириш кўзда тутилган [4;46].

2008 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ЯИМнинг 48,2 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич айрим вилоятларда анча

юқоридир (Самарқанд вилоятида – 68,6 %, Сурхондарё вилоятида – 68,8 %, Сирдарё вилоятида – 68,7 %, Наманган вилоятида – 67,7 %). Андижон вилоятида бу кўрсаткич 51,5 фоизни ташкил этиб, республика кўрсаткичидан юқоридир.

Шунга қарамасдан, айрим тармоқларда кичик бизнеснинг улуши паст даражада сақланиб қолмоқда. Масалан, саноатда 12,9 %, хизмат кўрсатишда 41,6 % ни ташкил этмоқда.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини барқарорлаштиришда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб бориш, хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги ўрни ва таъсирини кенгайтириш, ушбу соҳага янада эркинлик ва имтиёзлар бериш, барча зарур имкониятларни яратиш ва рағбатлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш зарурлигини қайд этган холда қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: "..ҳозирги кунда машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, айниқса, трикотаж, тикувчилик буюмлари, пойабзал каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳалар, шунингдек қурилиш материаллари саноатида кичик бизнеснинг ўрни ва улуши етарли даражада эмаслиги ушбу соҳаларда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни тақазо этмоқда" [5].

Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида институционал ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг кўламига қарамасдан, ҳозирги кунда соҳани изчил ривожлантиришда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Буни Андижон вилояти мисолида олиб қарайдиган бўлсак, вилоятнинг айрим туманларида тадбиркорликка кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари ташкилотларининг етишмаслиги ёки юқори савияда хизмат кўрсатамаётганлиги муаммоси мавжуд. Хусусан:

- ✓ Тадбиркорларга кредит ажратишда кучмас мулкни баҳолашда тегишли инфратузилмалар фаолияти йўлга қўйилмаган, натижада тадбиркорлар кредит олишда қатор муаммоларга дуч келмоқда;
- ✓ Хонобод ш., Андижон, Асака, Балиқчи, Булоқбоши, Бўз, Жалақудуқ, Исбоскан, Улуғнор, Марҳамат, Олтинкўл, Пахтаобод, Хўжаобод, Шаҳрихон туманларида баҳолаш компаниялари мавжуд эмас.
- ✓ Тадбиркорларнинг молиявий ресурсларга бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда нобанк кредит ташкилотлари тармоғи ривожланмаган.
- ✓ Асака, Булоқбоши,Бўз, Избоскан, Улуғнор, Олтинкўл туманлари ва Хонобод шаҳрида микрокредит ва кредит уюшмалари мавжуд эмас.
- ✓ Барча туманларда товар хом-ашё биржасининг савдо майдончалари мавжуд бўлсада, Балиқчи, Қўрғонтепа, Марҳамат, Хўжаобод туманларида битта фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга МТРлар билан таъминлаш даражаси вилоят ўртача кўрсаткичидан пастлигича қолмоқда.
- ✓ Пахтаобод, Хўжаобод, Марҳамат ва Бўз туманларида брокерлик идоралари мавжуд эмас.

Бизнинг фикримизча, маҳаллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлашда, энг аввало ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини берадиган тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга эътибор қаратиш жоиз, хусусан:

- норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
- кичик тадбиркорликни рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмларини такомиллаштириш;
- кичик тадбиркорликнинг моддий-техника базасини ривожлантириш;
- кичик бизнес субъектлари томонидан замонавий технологияларни жорий қилинишига амалий ёрдам кўрсатиш;
- кичик ҳажмдаги маҳсулот, хизмат ҳамда пудратчилик бозорларини ривожлантиришни рағбатлантириш;
- кичик бизнес учун кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш;
- кичик бизнесда менеджмент, маркетинг ҳамда кооперацияни ривожлантириш;
- кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи нодавлат инфратузилмаларини ривожлантириш;
- кичик ва хусусий бизнес учун қулай ижтимоий-психологик муҳит яратишга кўмаклашиш, хусусан оммавий ахборот воситаларида кичик бизнес ютуқ ва муаммоларини ёритиб бориш.
- инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш;

- соғлиқни сақлаш, таълим ҳамда аҳолининг ижтимоий химоясига қаратилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- уй-жой ҳамда коммунал хўжалик эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда шу соҳаларда хизмат кўрсатиш;
- спорт ва жисмоний тартияга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- эколгияни яхшилаш қаратилган, иккиламчи ресурсларни йиғиш ҳамда қайта ишлашга қаратилган фаолиятни ривожлантиришни рағбатлантириш;
- тарихий ҳамда халқ анъаналарига асосланган истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Юқоридагилар билан бирга, ҳудудларнинг табиий, моддий ҳамда меҳнат ресурсларидан келиб чиқиб, кичик бизнеснинг фаолияти учун қулай муҳит яратишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим. Ушбу чора-тадбирлар кичик бизнесни ривожлантириш бўйича маҳаллий дастурларга киритилиб, улар маҳаллий бошқарув органларининг асосий тамойилларини акс эттириш лозим.

Бундай тизимнинг жорий қилиниши бир қанча мақсадларга эришиш имкониятини беради.

✓ Биринчидан, у тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини нарх ҳамда ташкилий параметрларда максимал даражада ёритиб бериш имкониятини беради.

✓ Иккинчидан, ҳудудлар учун устувор бўлган йўналишларда фаолият кўрсатаётган корхоналарга ҳокимият томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси маълум бўлади.

Ҳозирги даврда, кичик бизнесни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида саноат соҳасини, инновацион фаолиятни ривожлантириш, кичик бизнесга аёлларни жалб қилиш, уй-жой-коммунал корхоналарини ривожлантириш, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда уй меҳнатини ривожлантириш каби соҳаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

уман олганда, мамлакатимизда кичик бизнеснинг ривожланишига алоҳида эътибор берилаётганлиги ижтимоий-иқтисодий ривожланишда ушбу соҳанинг нақадар муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тажрибаси кичик бизнесни ривожлантиришда ҳам ўз аҳамиятига эга бўлмоқда. Бунда республикамиз иқтисодиёти учун янги бўлган бозор муносабатларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўрсатадиган таъсир даражасини тўлароқ ҳисобга олиш ва шу асосда мақсадли йўналтирилган сиёсатни амалга ошириш имкони юзага келади.

АДАБИЁТЛАР:

1. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2008 йил, 9 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.- Т.,2009

3. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси маълумотлари.

4. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24-б.

5. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиз”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2007 йил, 13 февраль.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009, 89-б.

Андижон давлат университети,
2010 йил 1 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Қ.Муфтайдинов)